



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Механизациялаш Муҳандислари Институтини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XIX - ёш
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий
- амалий анжумани*

19

*XIX - traditional Republic
scientific - practical conference of
young scientists, master students
and talented students under the
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
RECOURCES”**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2020 йил, 14 – 15 май

	преподаватель. ТИИИМСХ	назначения	
60.	Shodiyev M. – talaba, Ergasheva S. – talaba, Muqumov A. – katta o‘qituvchi. ТИҚХММИ	Yerdan foydalanuvchilar tomonidan qonun talablarining buzilishi va unga nisbatan javobgarlik masalalari	258
61.	Раимназарова М. – талаба, Нарбаева Д. – талаба, Мукумов А. – катта ўқитувчи.	Географик ахборот тизимларидан ер тузиш ишларини ўтказишда фойдаланиш	261
62.	Раимназарова М. – талаба, Норбоева Д. – талаба, Хафизова З. – доц. ТИҚХММИ	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тadbirlarining аҳамияти	263
63.	Примкулов Ш. – магистрант, Нарбаев Ш. - PhD, доцент. ТИҚХММИ	Ер ресурсларидан барқарор фойдаланишни бошқариш механизмлари	267
64.	Аманкулова Х. – магистрант, Рўзиқулова О. – доцент в.б., г.ф.н., Мухторов Ў. – ўқитувчи ТИҚХММИ	Қишлоқ хўжалиги географиясини ўқитишда географик ахборот тизимлари	272
65.	Отабеков Б. – талаба, Шарипов С. - катта ўқитувчи, ТИҚХММИ	Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари	276
66.	Sulaymonova M. – talaba, Xolmo‘minova M. – talaba. ТИҚХММИ	Tuproq eroziyasining qishloq xo‘jaligiga ta’siri va uni oldini olish chora-tadbirlari	280
67.	Раимназарова М. – талаба, Норбоева Д. – талаба. ТИҚХММИ	Иқтисодиётда фермер хўжалиklarини ташкил қилишни аҳамияти	284
68.	Садуллаев С. – магистрант, Нарбаев Ш. – PhD. доцент. ТИҚХММИ	Дехқон ва томорқа хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳолати ва уни ривожлантириш масалалари	287
69.	Инамова Н. – магистрант, Сайдалиева Г. – стажёр-ўқитувчи. ТИҚХММИ	Республикамизда қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолаш	290
70.	Агзамов М. – магистрант, Авезбаев С. – проф. ТИҚХММИ	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишда инновацион ёндашувлар	294
71.	Шоимов М. – талаба. ТИҚХММИ	Ерларнинг бузилиш жараёнлари ва уларни рекультивациялаш масаллари	298
72.	Avilova N. – magistrant. ТИҚХММИ	Qishloq xo‘jaligi sohasida foydalanilayotgan dronlar va ularning qiyosiy tahlili	303
73.	Khamraliev A. – PhD student, Musaev I. – Associate professor, ТИПАМЕ	Application of ndsi analysis in determination of soil salinity in irrigated lands	308
74.	Nazarov B. – talaba, Jabborova D. – talaba. ТИҚХММИ	Quantumgis dasturining geodeziyadagi ahamiyati va afzaliklari	313
75.	Tashbayeva H. - doktorant "O'zdavyerloyiha" Davlat ilmiy – loyihalash instituti	Qishloq xo‘jaligida yer resurslaridan foydalanishni takomillashtirish masalalari	317
76.	Абдивайтов Х. - таянч докторант. ТИҚХММИ	Республика ер фондидан фойдаланиш таҳлили	320

Бугунги кунда деҳқон хўжаликларини барқарор ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақазо қилмоқда:

- деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;
- деҳқон ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.
- деҳқон хўжаликларида ноананавий экинлар етиштириш орқали янги бозор сегентларини шакллантириш;
- ресурслар билан таъминлаш, хусусан энергия ресурслари ва минерал ўғитлар билан таъминлашда ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ёндашиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг амалга оширилиши ўйлаймизки деҳқон ва томорқа хўжалиги ерларидан фойдаланишда ўзининг самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т.: “Адолат”, 2011 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. -1998. (ўзгартириш ва қўшимчалари билан).
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. “Газета.uz”.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги "Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 53-сонли қарори.
5. Махамбетова У. Деҳқон хўжаликларининг миллий иқтисодиётдаги ўрни// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2010. –№7.- 31 б.
6. Рахмонов Қ., Нарбаев Ш.К., Муқимов З.М. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТИҚХММИ. -2018
7. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботлар. Тошкент, “Давергеодезкадастр” кўмитаси. -2018-2019.
8. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. Давлат статистика кўмитаси. Тошкент. 2017. -221 б.
9. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. www.ziyounet.uz - Ўзбекистон Республикаси таълим портали.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

Инамова Н. – магистрант, Сайдалиева Г. – стажёр-ўқитувчи. ТИҚХММИ

Аннотация

Ушбу мақолада суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолаш ҳар доим баҳолаш тизимининг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлган. Негаки, ер майдонларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида фойдаланиш уларни баҳолаш масаласига турлича ёндашувни талаб қилади. Бундан ташқари, бугунги бозор иқтисодиёти ҳам ер майдонларни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби қиймат жиҳатидан баҳолаш заруриятини туғдирмоқда.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, иқтисодий баҳолаш, хусусий, умумий, ер майдони, балл, соф фойда, ҳосилдорлик, фермер, аграр,

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ерлар ерларнинг норматив қийматини баҳолаш объекти ҳисобланади. Ерларни иқтисодий баҳолаш-бу ерни қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги баҳолашдир, яъни бунда деҳқончиликнинг мавжуд жадаллашганлик даражасида аграр соҳадаги меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш йўли билан турлича унумдорликка эга бўлган майдонлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тушунилади. Ерларни баҳолашда, бунда асосан “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий филиал ва бошқармалари томонидан тайёрланган материалларга таяниб иш олиб боради.

Шуни қайд этиш зарурки, ерларни иқтисодий баҳолаш ҳар доим баҳолаш тизимининг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлган. Негаки, ер майдонларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида фойдаланиш уларни баҳолаш масаласига турлича ёндашувни талаб қилади. Бундан ташқари, бугунги бозор иқтисодиёти ҳам ер майдонларни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби қиймат жиҳатидан баҳолаш заруриятини туғдирмоқда.

Мавжуд илмий манбалар ва амалий ишланмаларни ўрганиш шундан дарак берадики, бугунги кунга қадар қишлоқ хўжалиги ерларини иқтисодий баҳолаш бўйича қатор услубиятлар яратилган. Хусусан, ўтган асрнинг 70-йилларида “Ерларни иқтисодий баҳолашнинг муваққат умумиттифоқ услубияти”[5] яратилган ҳамда шу даврларда ушбу услубият асосида Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларидаги қишлоқ хўжалиги ерлари баҳоланган.

Услубиятга биноан, қўйилган мақсад ва талабларга биноан ерларни иқтисодий баҳолаш умумий ва хусусийга ажратилган:

- 1) Хусусий баҳолаш – турли тупроқ шароитларида аниқ бир қишлоқ хўжалик экинини етиштиришининг самарадорлигини аниқлашга, умумий баҳолаш эса деҳқончиликнинг жадаллашганлик даражасини мавжуд ҳолатида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлашга мўлжалланган.
- 2) Ерларни умумий баҳолашда – ялпи маҳсулотнинг қиймати, харажатларни қопланиши, табақаланган даромад; хусусий баҳолашда ҳосилдорлик, харажатларни қопланиши, табақаланган даромад кўрсаткичлари қабул қилинган. Баҳолаш кўрсаткичлари абсолют (натурал ёки баҳо) ва нисбий қиймат (балл) ларда ёритилган. Улар одатда ишлаб чиқаришнинг ўртача жадаллашганлик даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган.

Шу сабабли ҳам ерларни баҳолаш кўрсаткичлари вақт ўтиши билан эскирган ҳамда ушбу нуқтаи назардан уларни ҳар 5 йилда янгилаб туриш тақозо қилинган. Аммо баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш катта ҳажмлардаги статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, бир тизимга келтириш ва таҳлил қилиш заруриятини туғдирганлиги сабабли бундай ишларни ушбу муддатларда бажариш имкони бўлмаган. Мустақиллик йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигида юз берган ижобий ўзгаришлар, хусусан ердан фойдаланиш шаклларини ўзгариши, кўп укладли хўжалик юритишга ўтилганлиги, улуш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдалаништиришга ўтилганлиги, янги ўтиш шароитларига мос келувчи услубиятларни яратишни тақозо қилди.

Бундай услубият ўтган асрнинг охирларида “Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти” нинг олимлари томонидан яратилган [3]. Ушбу услубият асосига қишлоқ хўжалик ерларининг ресурс салоҳиятини аниқлаш қўйилган бўлиб, унда олдинги иқтисодий баҳолаш услубияти бўйича “Ўздаверлойиха” институти томонидан аниқланган ер баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ерларни иқтисодий жиҳатидан қиймат баҳосини белгилаш таклиф қилинади.

Бу услубият асосида республикамиз қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказишнинг бошланғич даврида ер майдонларини қиймат баҳосини ўрнатишга ҳаракат қилинган, аниқланган қийматлар бўйича ер акцияларини чиқариш ва дивидентлар ҳисоблаш тавсия қилинган. Лекин қишлоқ хўжаликларидagi ислохотлар, жумладан ушбу пайтда мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналарини қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) ларга айлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиниши қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий жиҳатдан қиймат баҳосини белгилашга йўналтирилган янги, такомиллашган услубиятни яратиш ҳамда шу асосида ер баҳолаш ишларини ўтказиш ва унинг маълумотларидан аграр ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда фойдаланиш заруриятини туғдирди.

Қишлоқ хўжалик ерларини норматив қийматини ҳисоблаш бўйича яратилган ушбу услубият [4] дан фойдаланган ҳолда 1999-2002 йиллар давомида мамлакатда фаолият кўрсатган жамоа ва бошқа хўжаликлар қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) ларга айлантирилди, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари йилдан-йилга кучайтирилди. Услубиятга биноан, қишлоқ хўжалик ерларини норматив қиймати шу жойдаги тупроқларнинг ўртacha бонитет балли, норматив соф даромад, фойда нормаси, хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг жадаллашганлик даражаси, ер участкасининг жойлашган ўрни ва маҳаллий шароитларни эътиборга олган тарзда ҳисобланади. Бунда ер участкасини аҳоли пунктига ва маҳсулотларни сотиш бозорига нисбатан узоқ-яқинлиги, шунингдек маҳаллий шароит бўйича махсус қабул қилинган коэффициентлардан фойдаланилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ қатор масалалар (фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотлар етиштириш бўйича режа – топшириқларини тузиш, ягона ер солиғи ставкаларини белгилаш, ижара ҳақларини аниқлаш ва ҳақозо) ушбу услубият билан аниқланган қийматга асосланган ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда.

Ушбу услубиятни такомиллаштириш бўйича 2014 йилда ҳукумат тамонидан янги қарор ва “Низом” қабул қилинди [1]. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу услубиятлар негизига асосан норматив кўрсаткичлар (фойда нормаси, норматив ҳосилдорлик, банк ссудасининг нормали фоизи, норматив соф даромад ва ҳ.к) қўйилган. Шу сабабдан ҳам аниқланган қиймат ернинг норматив қийматини ташкил қилади. Фикримизча, амалда фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерларини ҳақиқий иқтисодий қийматини аниқлаш зарур. Бунинг учун юқоридаги кўрсаткичларнинг ҳақиқий миқдорларини олиш зарур.

Ер майдони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун қанчалик тўғри ва самарали фойдаланилса, бу майдондан шунчалик кўп маҳсулот олиш мумкин, натижада ҳосилдорлик шунчалик юқори, олинадиган фойда миқдори ҳам катта бўлади. Бундай ҳолатлар, табиийки ернинг қийматини оширади. Бундан ташқари, қабул қилинган баъзи тузатма коэффициентлар, фикримизча, бирмунча паст. Хусусан, хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси бўйича қабул қилинган нормани 20-25 фоизга ошириш зарур, негаки қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражасини 70,0-80,0 фоиз атрофида қабул қилиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас.

Қишлоқ хўжалик ерларини қийматини баҳолаш тўғрисида сўз юритилар экан, уни ҳақиқий баҳосини ҳисоблаш жуда муҳимдир. Албатта, бу масала бугунги бозор шароитида иқтисодиёт фани олдида турган муҳим муаммолардан биридир. Қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати тўғрисидаги тўла ва ҳақиқий ахборотларнинг мавжуд эмаслиги ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун қишлоқ хўжалигидан ажратилган ерларнинг қийматини тўғри аниқлашга, майдонлардан оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантириш ёки аксинча хўжасизларча фойдаланганлик учун жарима солиш механизмларини қўллашга имкон бермаяпти, саноат корхоналари ва бошқа объектлар қуриш учун ер ажратишни иқтисодий жиҳатдан тўғрилигини асослаш мураккаб бўлмоқда.

Ерга, айниқса суғориладиган ерга хўжасизларча муносабатда бўладиган, қишлоқ хўжалик ерларига зарар келтирадиган, уларни турли чиқинди ва зарарли моддалар билан ифлослантирадиган, шўрланишга ва эрозияга қарши тадбирларни ўз вақтида амалга оширмайдиган шахслар жавобгарликка тортилиши зарур. Бу амалдаги норматив ҳужжатларда ўз аксини топган. Лекин айнан шундай ҳолатларни миқдорий жиҳатдан ўлчаш учун ҳам бундай ерларни ҳақиқий иқтисодий қийматини баҳолаш талаб қилинади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш бўйича, ўтган даврлар ичида катта илмий-амалий ишлар бажарилган, уларнинг натижалари бугунги кунда муваффақиятли қўлланилмоқда. Аммо ривожланаётган бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалик ерларини ҳақиқий қийматини баҳолаш заруриятини туғдирмоқда. Шундай услубиятни яратиш ва амалга киритиш юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш воситаси ҳолатидаги ер майдонининг сифати тупроқ унумдорлиги орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлиги фақат қишлоқ хўжалик экинларининг турлича ҳосилдорлигига олиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ерларни иқтисодий баҳолашнинг бирламчи кўрсаткичи ролини бажаради. Ер майдонларини иқтисодий баҳолаш учун танланган қишлоқ хўжалик экинлари ҳар бир кадастр туманининг ҳудуди учун характерли бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сонли қарори. “Қишлоқ хўжалик ерларининг норматив қийматини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш тўғрисида”. Т., 2014
2. Бобожонов А.Р, Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А. “Ер кадастри” дарслик. Т., ТИМИ, 2008.
3. Чориев Қ.А ва бошқалар. “Қишлоқ хўжалик ерларининг ресурс салоҳиятини баҳолаш”.Т., Бозор ислохатлари илмий тадқиқот институти, 1995.
4. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифатлий, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуби.Т., Ўздаверлойиҳа, 1998.
5. Общесоюзная методика по экономической оценке земель (временная). Мытиши, ГИЗР, 1976.

КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Агзамов М. – магистрант, Аvezбаев С. – проф. ТИҚХММИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада республикамизда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат хизматлари сифатини яхшилашга, уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритилган, амалиётда жорий этиш жиҳатлари қайт этилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, давлат реестри, кадастр паспорти, электрон маълумотлар, турар жой, нотурар жой, давлат хизматлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, “E-IJRO AUKSION”, идентификация рақамлари, davreestr.uz.

Қириш. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмларини такомиллаштириш, нафақат аграр соҳани барқарор ривожлантириш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш республикада озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлаш, айниқса экспорт салоҳиятини юксалтириш мамлакат иқтисодиётини инновацион ислоҳ қилишнинг бугунги куннинг энг муҳим масалалардан биридир. Шундай экан, аҳолининг ижтимоий турмушининг асоси ҳисобланган томорва ерлари, уларда жойлашган тураржой бинолари ва иншоотлари, уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиб бориш, миқдорий ва сифат ҳисобини юритиш ҳамда қиймат жиҳатидан баҳолаш, шунингдек, ушбу маълумотларни умумий қабул қилинган тартибда, белгиланган тарзда аниқ бир ҳужжатларда ёритиб бориш, кўчмас мулклар бозорини шакллантириш, уларни ахборотлар билан таъминлаб туриш муҳим амалий аҳамиятга молик бўлган масалалардан ҳисобланади. Лекин бу ҳозиргача тўлалигича ҳал қилинмай келаётган муаммолардан биридир. Айни ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига ўтказишни инновацион тарзда ривожланиш давлатимиз олдида кўйган асосий вазифа ҳисобланади.